

Забидий / ВАҲИЙНИНГ БОШЛАНИШИ КИТОБИ / 481-ҳадис

481/858 - عَنْ أَبِي سَعِيدٍ الْخُدْرِيِّ رَضِيَ اللَّهُ عَنْهُ، أَنَّ النَّبِيَّ صَلَّى اللَّهُ عَلَيْهِ وَسَلَّمَ قَالَ: «الْعُسْلُ
يَوْمَ الْجُمُعَةِ وَاجِبٌ عَلَى كُلِّ مُحْتَلِمٍ».

481.858 Абу Саъид Худрий розияллоху анҳудан ривоят қилинади:

«Набий соллаллоху алайҳи васаллам: **«Жума куни ғусл қилиш ҳар бир
балоғатга етганга вожибдир»**, дедилар».

Изоҳ: Ҳанафий мазҳаби бўйича, жума кунининг ғусли суннатдир. Бунга Анас розияллоху анҳудан ривоят қилинган ҳадисда Расулulloҳ соллаллоху алайҳи васалламнинг «Ким жума куни таҳорат қилса, нақадар яхши. Агар ғусл қилса, бундан ҳам гўзалдир», деган сўзлари далил бўлади («Шарҳу Маъонил Осор», «Ҳидоя»).

Манба: hadis.islom.uz

